

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМЧИ

№ 91 (5082).

23 АПРЕЛЬ 1983 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлади. Ваҳаси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

### ИЛЬИЧ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

#### КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Марксизм-ленинизм жаҳон пролетариатининг империализмга қарши курашаётган, янги ҳаёт барпо этган барча кишиларнинг музаффар қўроли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигини юксак сийёсий аҳамият ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиётада қутиб олмоқда. Совет кишилари КПСС XXVI съезди белгилаб берган режаларни амалга ошира бориб, Ильичнинг барҳаёт асарларидан илҳомланмоқдалар. Бугунги кунда бизлар дунёни революцион қайта ўзгартиришда ҳалқнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги Лениннинг фикрларига, социализм ва коммунизм омманинг онгли ижро

ди эканлиги тўғрисидаги Ленинча гоёга алоҳида эътибор билан мурожаат қиламиз.

22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Москва шаҳри ва об-ластининг ишлаб чиқариш илғорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият ар-боблари, Совет Қўроли Кучларининг жангчилари бу ерга йиғилдилар. Чет эл дипломатлари, чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гри-

шин, А. А. Громико, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимианин, И. В. Капитунов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни ўриларидан туриб, гулдурас, давомли қарсақлар билан қутиб олдилар.

Президиума Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Багдаш; Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Л. Корвалан, Ирландия Коммунистик партиясининг Бош секретари М. О'Норрдан, Панама Халқ партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Д. Соуса ҳам бор эди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Министрлари, КПСС Москва шаҳар ва об-ласт комитетларининг секретарлари, Ленин партияси ветеранлари, саноат, қишлоқ хўжалигининг машҳур меҳнаткашлари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам бу ерда ўтирибдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очди.


Кремлнинг Съездлар саройи гўмбалари остида Совет Иттифоқи Гимни тантанавор янгради.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети биринчи секретари М. С. Горбачев «Ленинизм — ҳаёتبаш имодий таълимот, ҳаракат учун ҳақиқий қўлланмадир» деган мавзуда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсақлар билан бўлиниб турди. (Доклад тўғрисида газеталарда эълон қилинган).

Тантанали мажлис қатнашчилари «Интернационал»ни ўриларидан туриб илҳом билан қуйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти қўйиб берилди. (ТАСС)



Комсомол аъзоси Умар Ҳомиев шахримиздаги 2-пойнавал фабрикасининг пешада ишчиларидан бири. У смена топириларини мухтазаам охириб бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Илгор нишчи майлоди меҳнат ваҳасида туриб, смена нормасини шу нуларда мухтазаам 130 процент га етказиб эди.

СУРАТДА: У. Ҳомиев. Х. Мирзанаримов фотоси.

### ТОШКЕНТ

## ЛЕНИН ЙЎЛИГА АМАЛ ҚИЛИБ

ЖАҲОН пролетариатининг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин абадул-абад совет халқининг улуг ва доно устози, барча бунёдкорлик ишларининг илҳомчиси бўлиб қолади. Унинг барҳаёт таълимоти Коммунистик партия ва Совет давлати фаолиятининг, энг адолатли жамият қуриш, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва июль Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нуқталарида баён этилган вази-

ларни бажариш йўлида мамлакат меҳнаткашлари эришаётган барча муваффақиятларини асосидир.

22 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигига бағишланди. Республика пойтахти ва Тошкент об-ластини ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият ар-боблари, Совет Қўроли Кучларининг жангчилари В. И. Ленин номили СССР халқлари дўстлиги са-

ройининг байрамона безатилиш залига йиғилдилар. Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленинчи Марказий Комитетининг Сийёсий бюроси баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланди.

Тошкент об-ласт партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонова доклад қилиш учун сўз берилди. Докладчи совет ки-шилари муваффақиятли амалга ошираётган улуг Ленин гоғларининг тантанаси ҳақида, жаҳон пролетариати доҳийсининг аjoyиб йўл-йўриқлари коммунизм қурувчиларининг шони ишларида, озолиди ва социал адолат учун курашаётган чет мамлакатлар халқларининг ғалабаларида ўз ифодасини топаётганлиги тўғрисида га-пирди.

Экономика барча тармоқларини, шаклақ миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган аjoyиб ютуқлар Ильич васиятларининг реал тисолидир.

Республика фахрланса арзийдиган ҳамма ютуқлар Октябрь ғалабаларининг, Коммунистик партия Ленинча доно миллий сийёсатининг, мамлакат барча халқлари ва биринчи навбатда қардош рус халқи бегарас ёрданининг натижасидир. Ўзбекистон ССР тенглар қида тенг бўлиб, бошқа республикалар билан ягона сафда ёрқин келажак сари қомил ишонч билан одим ташламоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет халқи билан бирликда бундан буён ҳам ҳар бир ишда Ильич васиятларига амал қилишга, Коммунистик партия ишига содиқ бўлиб қолишга, ўз сафларини партия Марказий Комитети тевара-

### АБАДИЙ БАРҲАЁТ ИНСОН

Совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинга ҳурму ҳушобати чекизидир. Дунё халқлари Ильич туғилган кунининг 113 йиллигини ишонч билан қутиб олган ва Тошкент об-ластининг ҳамма

чеккаларидан меҳнаткашлар вакиллари Ленин номилида майдонга келдилар.

Жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳайкали пойга гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий кенгаши но-מידан, Тошкент об-ласт партия комитети ва об-ласт ижроия комитети, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, шаҳар қорхоналари ва ташкилотлари коллективлари номидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйилиши тантанали маросимда КПСС

Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзоллигига кандидатлари қатнашдилар. (ЎЗАТАГ).

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлисида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва об-ласт партия комитетлари биринчи секретарларининг КПСС Марказий Комитетига бўлиб ўтган кенгаши яқунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу кенгашда сўзлаган нуқтидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди. Бюро об-ласт, шаҳар ва район партия комитетлари-га, бошланғич партия ташкилотларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, дон, пахта, мева ва сабазот алий ҳосилини қўлайтириш, чорва моллар туғғини ва паррандани қўлайтириш ҳамда махсусдорлигини ошириш юзасидан амалий тадбирларни турмушга татиқ этиши тўғрисида.

Бюро республика партия ташкилотининг «Меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини ривожлантиришда, иттизомни мустаҳкамлашда ва иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисидаги» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсияларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди ва бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлигини янада яхшилашга, уларнинг иш услубини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни тасдиқлади.

Бюро КПСС XXVI съезди қарорларини қандай бажараётганлиги ҳақида Ўзбекистон Компартияси Бухоро об-ласт

комитетининг ҳисоботини муҳокама қилди ва Бухоро об-ласт партия ташкилоти эътиборига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг талаблари асосида ташкилотчилик ва сийёсий ишни активлаштириш, халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга раҳбарликни қўлайтириш мажбуриятини юкладди.

Тошкент шаҳар Ленин район партия ташкилотининг коммунистлари КПСС Устави талабларига қандай риоя қилаётганлиги қўриб чиқилди. Бу ана шу район партия ташкилоти фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни қўриб чиқаришда ҳамда уларни тезроқ бартараф этишни район партия комитетидан талаб этди.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умий ва ташкилий-партиявий иш бўлимларининг ҳужжатлар сонини янада қамайтириш тўғрисидаги таклифларини муҳокама қилди.

Бюро Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтани қабул қилиш ва унга ҳақ тўлашни янги шартларга ўтиш ва пахта сифатини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори лойиҳасини маъқуллади.

Хоразм об-ластини Янгибозор районда шу номдаги асалиричилик совхозини ташкил этиш тўғрисида Хоразм об-ласт партия комитети билан об-ласт ижроия комитетининг ҳамда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифи қабул қилинди.

Бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, шу масалалар юза-сидан тегишли қарорлар қабул этилди.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 2-уйсозлик комбинати мажлислар залда йирик панелли уйсозлигининг сифатини яхшилаш бўйича конференция бўлиб ўтди. Унда Бош бошқарма бўлиmlарининг раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, назорат ва сифат хизмати ходимлари, илгор ишчилар ва бригадирлар иштирок этдилар. Бунёдкорларнинг маълум конференциясида йирик панелли уйсозлигининг сифатини ошириш борасида Бош бошқарманинг олиб бораётган ишлари ва вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар қури-

### УЙЛАРНИ СИФАТЛИ ҚУРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг «Уй-жой бинолари ва социал-маиший объектлар қурилиш планларини бажаришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори бўйича бинолари қурилиш ишлари ва лойиҳалаштириш сифатини яхшилаш, йирик панелли уйсозлигини янада ривожлантириш ва унинг техник даражасини оширишга қаратилган кенг программани белгилаб берди.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 2-уйсозлик комбинати мажлислар залда йирик панелли уйсозлигининг сифатини яхшилаш бўйича конференция бўлиб ўтди. Унда Бош бошқарма бўлиmlарининг раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, назорат ва сифат хизмати ходимлари, илгор ишчилар ва бригадирлар иштирок этдилар. Бунёдкорларнинг маълум конференциясида йирик панелли уйсозлигининг сифатини ошириш борасида Бош бошқарманинг олиб бораётган ишлари ва вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар қури-

лиш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Е. П. Кириченко доклад қилди.

Конференцияда лойиҳа, қурилиш-монтаж ташкилотлари, «Госархстройконтроль» ва буюртмачи ташкилотларининг вакиллари доклад юзасидан муҳокамага чиқдилар. Йирик панелли турар жой бинолари сифатини оширишга қаратилган тавсияномаларни қизғин маъқулладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин сўзга чиқди.

### КЎЧМА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажлислар залда «Ишлаб чиқариш ва иш сифатини оширишнинг комплекс системадари»га бағишланган кўчма кўргазма очилди. Кўргазмада Москва шаҳри, Днепрпетровск об-ласти ва Крас-

нодар ўлкаларидаги бирлашма ҳамда қорхоналарнинг махсус-тлаш ва иш сифатини яхшилаш йўлида қўлга киритилган ютуқларга намойиш этилмоқда. Кўргазма базасида шунингдек, семинар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

### БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ

Эртага бутун дунё прогрессив жамоатчилиги биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерацияси бундан 20 йил муқаддам таъсис этган жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунини байрам қилади. Ушбу ташкилот ҳозир 60 мамлакатнинг 3 мингдан зиёд шаҳрини ўз сафларига бирлаштирган.

Тошкент Совет Иттифоқи шаҳарларидан бири қатори ана шу ҳаракатга қўшилди. Африканин Тунис, Марокш, Трипол, Американинг Сент-Луис, Югославиянинг Скопье шаҳарлари у билан биродарлашган.

Биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерациясининг 1961 йилдан бери ахтис аъзоси бўлган шахримиз аҳолиси жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунини муноса-

бати билан Биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерациясининг бош секретари, бутун дунё шаҳарлари ва аҳолиси самийини табриклар йўлаб келмоқда. Биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерациясининг ўзининг 25 йиллик феолияти давомида дўстона алоқалар ўрнатилиши учун жуда кўп фойдали ишларни амалга оширди. Утган йилнинг ноябрь ойида Касабланка шаҳрида (Марокш) бўлиб

ўтган биродарлашган шаҳарлар ўзини Халқаро конгресси бутун дунё шаҳарларига биродарлашган шаҳарлар кунини шаҳарлар жамоатчилиги ва аҳолисининг низоларини тинч йўл билан ҳал этиш, қуролланчи тизгини манфаати йўлидаги иродаси ва ҳаракатининг чинакам оммавий намоийшига айлантириш, деб мурожаат қилди. Биродарлашган ша-

ҳарлар Жаҳон федерацияси бу йил бутун дунё шаҳарларига мурожаат этиб, Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунини «Шаҳар ва тинчликчи шори остида ўтказишга даъват этди. Биродарлашган шаҳарлар ҳаракати уруш аяб олган 1942 йилда вужудга келган. Ушунда фашистлар авиацияси қатталик билан бомбарддан қилиб шикастланган Англиянинг Коветри шаҳри аҳолиси Сталинград ҳимоячиларига ёрдам беришга аҳд қилиб, дорим-доримлар сотиб олиш учун маблағ тўплаган эдилар. Коветри аҳолиси ярдорлар учун

шаҳарларнинг аҳолисини шаҳар, республика ва умуман мамлакатимизнинг тарихи, шони аънавалари билан, Ўзбекистон ССР мисолида совет кишиларининг ютуқлари билан таништиришдан иборат. Фашизмга қарши кураш равиш сифатида вужудга келган Биродарлашган шаҳарлар Жаҳон федерацияси шаҳарлар ва аҳоли ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш ишига бебаҳо ҳисоб қилиб келмоқда. Ҳамкорлигининг янги-дан-янги турлари пайдо бўлди. Агарда илгор меҳкур алоқалар фақат муниципалитет делегацияларини алмашидан иборат бўлган бўлса, ҳозир делегациялар таркибиде экономиконинг турли тармоқлари

мутахассислари, шаҳар хизматларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари бор. Профессинал қизқиқ доирасидаги мулоқот таъриба алмашишга ёрдам беради, узаро алоқаларнинг самарадорлигини оширади.

Бу йил шахримиз ўзининг 2000 йиллик юбилейини нишонлайди. Биз билан бирга ана шу байрамни биродарлашган шаҳарлардаги дўстларининг ҳам нишонлашди. Кўзда тутилган Ҳарбий-Ровер бошчилигида биродарлашган Сент-Луис шаҳри вакиллари келадилар. Марокш шаҳри делегацияси Тошкентда ўтказиладиган Марокш шаҳри маданият кунларини ўтказишда

иштирок этади. Тошкент кунларини ўтказиш учун Ливия ва Тунисга борадиган Тошкент шаҳри делегацияси биродарлашган Триполи ва Тунис шаҳарлари аҳолисини республикамиз меҳнаткашлари қўлга киритган муваффақиятлар билан таништириди. Биродарлашган шаҳарларнинг муниципалитетлари адресига Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган фотоставкалар юборилмоқда, шахримиз аҳолиси эса «Биродарлашган шаҳарлар ҳаёти» фотоставкаларини кўздан кегириб, дўстлариниз ҳаёти билан яқинроқ танишиш имконига эга бўлади.



3. АҲМЕДОВА.





